3.6. Ижрочи газ куйиш шахобчаларида мавжуд булган ускуналарини навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 15 кун олдин, буюртмачи хабар килиши шарт.

3.7. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

3.8. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортимент ва нови лозим даражада булмаган товарлар кийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

3.9. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пена тулайди.

3.10. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

## 4. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ХИСОБИ

4.1. Буюртмачига берилган махсулот микдори таркатиш варакаси буйича хисоб килиб борилади.

4.2. Буюртмачига берилган махсулот микдори давлат стандарти тамонидан 13.январ 1995 йилда (рег.№418) тасдикланган «АГТКШ га юборилган газ ёкилгиси хажмини улчаш ва унинг хисоб китоби буйича кулланма (РД Уз. 51-034-94) асосида «Узбекнефтегаз» миллий холдингкомпанияси тамонидан 28 ноябр 1995 йилда тасдикланган «АГТКШ»да истеъмолчига таркатилган газ ёкилгиси хажмини аниклаш жадвалига мувофик буюртмачининг улчов аспоблари оркали аникланди.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Ижрочи шартномада курсатилган махсулот билан буюртмачини уз вактида таминла олмаса, куйидаги холларда жавобгарликни уз зиммасига ололмайди:

а) электр тармокларида содир булган авария холларида;

б) табиий офатлар (ёнгин, ер кимирлаш, сув тошкинлари) юз берган холларда;

в) электр тармокларининг таъмирлаш учун тухтатилганда.

5.2. Шартномада курсатилиб утилган мажбуриятларни бажарилиши буйича тарафлар Узбекистон Республикаси конунлари буйича жавобгардирлар.

5.3. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган ёкилги газ махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк газ ёкилгиси етказиб берувчи томонидан копланади

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Тарафлар шартномани имзоланган кундан бошлаб конуний кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал килади.

6.2. Мазкур шартнома 2022 йил «26» январда тузилган 400000 (Турт юз минг)(ҚҚС-52173,92) сумлик №2 сонли шартнома 2022 йил «26» январдан 2022 йил «31» декабргача амал килади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Жомбой тумани газначилик булинмасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

6.3 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик булинмаси (булим)да белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради

6.4. Шартномада курсатилагн масалалар буйича юзага келган низолар тарафларнинг музокаралари йули билан хал этилади.

6.5. Низолар тарафларнинг музокаралари йули билан хал этиш имкони булмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф килиш борасида конунчиликда кузда тутилган судгача булган жараёнларни амалга оширганларидан сунг уларни хужалик судига куриб чикишга тошширадилар.

6.5. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари тамонидан имзоланганидан сунг хакикий хисобланади.

6.6. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.